

## ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ХУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ (ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САНОАТ МАЖМУАСИ МИСОЛИДА)

**Батирова Нилуфар Шеркуловна -**  
**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**  
**Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми**  
**кафедраси катта ўқитувчиси,**  
**Файзиева Шахноза Рустамовна**  
**ЎЗМУ, Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент**  
**кафедраси, иқтисод фанлари номзоди, доцент,**

**Аннотация.** Мақолада Тошкент вилояти саноати ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Бир минтақа доирасида саноат мажмуасининг ўрни таҳлил қилинган. Минтақа саноатини ривожлантириш бўйича бир неча олимларнинг назарий қарашлари берилган. Ушбу олимларнинг минтақа саноатини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ҳақидаги фикрлари бирма-бир таҳлил қилинган. Минтақа ҳудудларининг иқтисодий имкониятлари, географик жойлашувининг турли-туманлиги саноат ишлаб чиқаришида маълум бир ҳудудларнинг яққол ажралиб чиқишига сабаб бўлиши баён этилган. Тошкент вилоятининг иқтисодий ва саноат салоҳияти баҳоланган. Шунингдек, минтақанинг иқтисодий салоҳияти бирма-бир таҳлил қилинган. Вилоят иқтисодиёт тармоқларининг республикадаги ўрни кўриб чиқилган. Туман ва шаҳарларнинг иқтисодий салоҳияти, молиявий ресурсларга эгаллик, фан-техника тараққиёти ютуқларининг ҳаётга татбиқ этилиши даражаси ёритиб берилган. Минтақа саноатини инновацион ривожлантириш ҳамда самарали ишлаши учун давлат томонидан илмий соҳани тартибга солиш принципларини ўзгартириш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, минтақа саноатини инновацион ривожланишига таъсир этувчи омиллар таркиби бирма-бир таҳлил қилинган. Хусусан, инновацияда инсон омили ва фан техника тараққиётига алоҳида урғу берилган. Маълумки, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши экстенсив омилларни кўпайтириш ҳисобига эмас, балки тизимли бозор иқтисодиёти шароитида ҳар томонлама ўйланган кетма-кет амалга оширилувчи сиёсат, хорижий инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиётда чуқур тизимли ўзгаришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва янгилаш, янги экспортга йўналтирилган тармоқлар ва корхоналарни ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига амалга ошди. Бу ўринда саноат ишлаб чиқаришининг инновацион ривожланишига алоҳида урғу берилди. Бу эса минтақа саноатини инновацион ривожланишида жаҳон тажрибасини ўрганиш заруриятини талаб этади. Шу туфайли, мақолада ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги тажрибалари натижаси ҳам бурилган. Шунингдек, жаҳон тажрибасида минтақа саноатининг инновацион ривожланишини қўллаб-қувватловчи ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар мисол тариқасида келтирилган. Ушбу тадбирлардан мақсадли фойдаланиш бўйича таклифлар берилган. Хулоса ўрнида минтақа ҳудудларида саноатнинг бир текис ривожланиши бўйича таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Худуд, саноат, инновация, минтақа, технопарк, юқори иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш, инновацион кластер.

**Аннотация.** В статье описаны особенности промышленного развития Ташкентской области. В рамках одного региона было проанализировано промышленный комплекс. Проанализированы взгляды теоретиков по региональному развитию. Обобщены взгляды ученых о факторах, влияющих на развитие промышленности региона. Проведена квалификация регионов по экономическому потенциалу и географическому положению. Был оценен экономический и промышленный потенциал Ташкентской области. Также проанализирован экономический потенциал регион. Рассматривается роль регионального промышленного сектора экономики в стране. В нем описывается экономический потенциал районов и городов, наличие финансовых ресурсов и уровень развития научно-технического прогресса. В ней указывается необходимость изменения принципов государственного регулирования научной сферы для инновационного развития и эффективного функционирования промышленности региона. Изучен зарубежный опыт проведения организационно-экономических мер, поддерживающих инновационное развитие промышленности региона. Поочередно анализируется и состав факторов, влияющих на инновационное развитие промышленности региона. В частности, упор в инновациях делается на развитие человеческого фактора, науки и технологий. Известно, что рост промышленного производства обусловлен не экспансией экстенсивных факторов, а продуманной последовательной политикой в условиях системной рыночной экономики, привлечением иностранных инвестиций, глубокими структурными изменениями в экономике, модернизацией и обновлением производства, новыми экспортно-ориентированными отраслями и предприятиями. организация, за счет развития частного предпринимательства. Особое внимание уделяется инновационному развитию промышленного производства. Это обуславливает необходимость изучения мирового опыта инновационного развития промышленности региона. В связи с этим в статье также использованы результаты опыта развитых стран в этой области. Мировой опыт также дает примеры организационных и экономических мер по поддержке инновационного развития промышленности региона. Даны рекомендации по целевому применению этих мер. В заключение представлены рекомендации по устойчивому развитию промышленности региона.

**Ключевые слова:** регион, промышленность, инновация, район, технопарк, высокий экономический рост, производство, инновационной кластер.

**Annotation.** The article describes the features of the industrial development of the Tashkent region. Within one region, an industrial complex was analyzed. Some views of theorists on regional development are given. The opinions of these scientists on the factors affecting the development of industry in the region are analyzed. The economic potential and geographical location of the regions can lead to a clear division of the individual territories in industrial production. The economic and industrial potential of the Tashkent region was evaluated. It also analyzes the economic potential of the region. The role of regional sectors of the economy in the country is considered. It describes the economic potential of districts and cities, the availability of financial resources and the level of

development of scientific and technological progress. It indicates the need to change the principles of state regulation of the scientific sphere for innovative development and the effective functioning of the region's industry, foreign experience is an example of organizational and economic measures supporting the innovative development of the region's industry. The composition of factors influencing the innovative development of the region's industry is also analyzed in turn. In particular, the emphasis in innovation is on the development of the human factor, science and technology. It is known that the growth of industrial production is not due to the expansion of extensive factors, but to a well-thought-out consistent policy in a systemic market economy, attracting foreign investment, profound structural changes in the economy, modernization and renewal of production, new export-oriented industries and enterprises. organization through the development of private entrepreneurship. Particular attention is paid to the innovative development of industrial production. This makes it necessary to study the world experience in the innovative development of the region's industry. In this regard, the article also uses the results of the experience of developed countries in this area. World experience also provides examples of organizational and economic measures to support the innovative development of industry in the region. Recommendations are given on the targeted application of these measures. In conclusion, recommendations on the sustainable development of industry in the region are presented.

**Keywords:** Region, industry, innovation, town, technology park, high economic growth, production, innovation cluster.

**Кириш.** Коронавирус пандемияси бутун дунё учун катта синов бўлмоқда. Вужудга келган глобал инқироз барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатяпти. Жаҳон банкининг прогнози бўйича 2020 йилда ялпи глобал маҳсулот 5,2 фоизга, АҚШда ялпи ички маҳсулот 6,1 фоизга, Россияда 6 фоизга, Европа Иттифоқида 9,1 фоизга тушиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Хитойда 1 фоиз, Ўзбекистонда эса 1,5 фоиз иқтисодий ўсиш бўлиши тахмин қилинмоқда [1, с.1]. Шу сабабли, мамлакатда янгича ёндашув ва инструментларни қўллаган ҳолатда иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш бўйича кўпгина чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун бир нечта асосий йўналишлар танлаб олинган бўлиб, улар қаторида республика ҳудудларида саноат тармоқларида рақобатбардошликни кучайтириш мақсадида тармоқларда хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва қўшимча қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг яхлит занжирини яратиш, тармоқлараро кооперацияни тўлиқ йўлга қўйиш орқали саноат тармоқлари самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Мамлакатда “иқтисодиётнинг таркибида саноат улушини кўпайтириш, юқори технологияли саноат ва қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, ҳар бир ҳудуднинг саноат салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш, янги саноат корхоналари ва кичик саноат зоналарини ташкил этиш[2, с.1]” ва “Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурларини жадал амалга ошириш [3, с.1]”, шунингдек, “саноат тармоқларини узлуксиз хомашё ва замонавий инфратузилма билан таъминлаш [3, с.1]”га, хусусан кимё, нефть ва газ, энергетика, электротехника, қурилиш материаллари, заргарлик саноатини ривожлантириш, аҳолининг ушбу тармоқлар-

да меҳнат бандлигини ошириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида “Илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иқтисодиёт тармоқларига, жумладан, саноат, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш мамлакат ривожланишининг асосий шарти деб белгиланиб, илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар натижаларини кенг жорий этиш учун таълим, илм-фан ва тадбиркорликни интеграция қилишнинг таъсирчан механизмларини яратиш, инновациялар, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга давлат ва хусусий маблағлар киритилишини кучайтириш”[4, с.1] ҳамда Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирларда “иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш” [4, с.2] каби вазифалар белгиланди.

**Илмий адабиётлар обзори.** Саноат мажмуаси-жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш даражасига асосий таъсир кўрсатувчи иқтисодиёт тармоғидир. Саноат мажмуасининг ривожланиши Англияда бошланган бўлиб, кейинчалик бутун дунёни қамраб олди. Қадим тарихга назар ташласак, “Архашастра”да ҳам давлат саноатни ривожлантиришга алоҳида ҳаражат қилгани таъкидланади [5, с.18]. Ксенофонт қишлоқ хўжалигини иқтисодиётнинг асосий тармоғи бўлгани учун деҳқончиликни пасайиши саноат фаолияти тармоқларига ҳам салбий таъсир қилади деб ҳисоблаган[6, с.15]. Феодал жамиятнинг намояндаси бўлган Т.Мор саноат тармоғи ривожланиши бошланиши ҳамда саноат инқилобининг бўлишини асосий сабаби

сифатида деҳқончилик қилинаётган ерларнинг тортиб олиниши, деҳқонлар синфи тугатилиб, кўчага ҳайдалиши деб ҳисоблаган [5, с.18]. Меркантилизм мактаби намояндоларидан бири бўлган М. Блауг фикрича, саноатни қўллаб қувватлаш учун арзон хом ашёни импорт қилиш, импорт қилинаётган саноат тармоқлари учун протекционистик таърифларни қўйиш, тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш лозим бўлган [7, с.6]. Томас Ман эса саноат муҳим тармоқ бўлиб, саноатнинг тараққий этиши ўзаро фойдали ташқи савдони ривожлантиради деб ҳисоблаган бўлса [8, с.161], Уильям Петти бойликни манбаси савдода, алмашувда эмас, балки ишлаб чиқаришда деб, саноатни рағбатлантиришда давлатнинг қўллаб-қувватлаши муҳим деб ҳисоблаган [9, с.49]. Физиократлар мактаби асосчиси Ф.Кенэ эса саноатни божхона тарифлари билан ҳимоя қилиш, давлат қарз мажбуриятларини чиқариш йўли билан саноат мажмуасини ривожлантиришни молиялаш лозим деб ҳисоблаган. Анн Робер Жак Тюрго саноатни унумсиз тармоқ деб ҳисоблаб, ушбу тармоқда ишловчиларни унумсиз синф деб атаган [9, с.55]. Классик мактаб намояндоларидан бўлган А.Смит физиократларнинг саноатнинг “унумсизлиги” тўғрисидаги ғоясига қарши чиқади, саноатда бойлик яратилишини кўрсатиб беради [11, с.332].

Ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий изланишлари ҳам бу муаммони ўрганишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, маҳаллий олимлардан Н.Қ.Йўлдошев [12, с.220], Э.Х.Махмудов, А.А.Ортиқов [13, с.15], Х. Ишбутаев [14, с.71], А.М.Содиқов [15, с. 15], А.М.Қодиров, Г.П. Ғуломова, А.Т. Аҳмедиева, Н.Р. Алимова [16, с.9], М.Маҳкамова [17, с.6], Ш.Зайнутдинов [18, с.7] ларнинг илмий ишларида саноат мажмуаси ва уни ривожлантириш масалалари ёритилган. Шунингдек, саноатни ривожлантиришда инновациянинг аҳамияти борасидаги илмий қарашлар эса У.Ғофуров [19, с.17], И.Умаров [20, с.45], Ф.Шакирова [21, с.1], З. Гаибназарова [22, с.1], Г.Хасанова [23, с.1], Р.Назарова [24, с.1] ишларида ўз аксини топган. Хусусан, Э.Х.Махмудов [13, с. 5] саноат мажмуасини ривожлантиришда қулай макро-иқтисодий муҳитнинг заруриятини ёритиб берди. Бу йўналишда солиқ, пул кредит, нарх ва валюта сиёсатига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини асослаб берди. М. Нарзиқулов [25, с.8] эса ўз ишларида саноатни ривожлантиришда таркибий ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратди. А. Ортиқов эса мамла-

кат саноатини ривожлантиришда мамлакатнинг иқтисодий имкониятлари, географик жойлашув омиллари муҳим эканлигини таъкидлаган [26, с.55]. Юқоридаги изланишлар мамлакат ва унинг ҳудудларида саноатни ривожланиши ва уни инновацион баҳоланишига катта ҳисса қўшган бўлсада, минтақа саноатини ривожлантиришда интеллектуал омил, инновация ва “ўсиш нуқта”ларига алоҳида эътибор қаратиш зарурати мазкур мақола мавзусини танлашга асос бўлиб хизмат қилди

**Қўлланилган материаллар ва услублар.** Мақолани ёзиш жараёнида минтақада инновацион ривожланиш ҳолатига баҳо берилган, шунингдек, очиқ статистика маълумотларини таҳлил қилиш асосида таклиф ва тавсиялар берилди. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

**Асосий қисм.** Минтақа иқтисодиётини тузилмавий қайта қуриш ҳамда хом ашё қазиб олишдан юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтиши минтақа иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтишини билдиради. Ҳозирги шароитда минтақалардаги технологик қоқоқлик муаммоси янги технологик укладларда тўғри йўналиш олиш, инновацион ва инвестицион фаолликни ошириш, иқтисодий динамикага давлатнинг таъсирини ошириш ҳамда тараққиётнинг янги сифатига ўтиш билан ечилиши мумкин. Глобализация ва жаҳон рақобатини кучайиши шароитида турмуш шароити бўйича ривожланган мамлакатларга етиб олиш саноат ишлаб чиқаришини инновацион ривожлантириш жараёнисиз амалга ошириш қийиндир. Ушбу ҳолат минтақаларни аҳоли ўртасида ўзаро меҳнат тақсимотидаги ихтисослашувини, ҳамда юқори технологик саноат тармоқларини ривожланиш заруриятини кўрсатади.

Барча вилоятларда саноат соҳасидаги иқтисодий ислохотлар маҳаллий ва хорижий сармояларни жалб этиб, ишлаб чиқаришни юқори технологияларга асосланган мураккаб турларини йўлга қўйишга қаратилмоқда. Шу ўринда, чет эл инвестициялари ҳамда илғор технологияларини саноат ишлаб чиқаришини юқори технологик тузилмавий талаблар асосида амалга ошириш учун йўналтириш асосий вазифалардан этиб белгиланмоқда. Саноат ишлаб чиқариши даражаси ва самара-

## ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

дорлигининг ўсишини таъминлаш мақсадида импорт ўрнини босувчи тармоқларни кенгайтириш, экспорт потенциални ошириш, саноатни базавий тармоқларини ривожлантириш, илм талаб тармоқлар ҳиссасини ошириш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнлар мамлакат учун муҳим вилоятлардан бири ҳисобланган Тошкент вилоятида ҳам кўзга ташланмоқда.

Вилоят иқтисодиёти асосини металлургия, қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ташкил этади.

Тадқиқот объекти бўлган Тошкент вилояти ўзининг географик жойлашувига кўра катта **иқтисодий салоҳиятга** эга бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида салмоқли ўрин эгаллайди. Тошкент вилоятини алоҳида устун жиҳатлари бўлиб, ишлаб чиқариш омиллари ва табиий ресурсларни ҳамда ўзаро бир-бирини тўлдирувчи ва қўллаб қувват-

ловчи саноат тармоқларини мавжудлигидир. Минтақавий нуқтаи назардан барқарор ривожланишнинг назарий ва амалий имконияти вилоятнинг барча саноат тармоқларини ривожлантириш ҳамда ўзаро минтақавий мутаносибликни тўғри йўлга қўйиш билан ҳал этилади. Ушбу вилоятнинг алоҳида жиҳати, табиат-аҳоли-саноат йўналишида ривожланиш имкониятини мавжудлигидир. Тошкент вилоятида аҳолининг юқори концентрацияси, магистрал йўлларнинг кесишмаси, ҳамда тарихий ривожланиши уни республиканинг муҳим саноат марказига айлантирган.

Вилоятнинг республика саноатида етакчи ўринни эгаллашида маълум бир саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришида мутлоқ устунликка эгаллиги (қора металл, қора металл прокат, кортикостероид, сульфат кислота, маданли сувлар, кўмир) алоҳида аҳамият касб этади.

1-жадвал

**Минтақа ҳудудларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши [27, с.2]**  
(фоиз ҳисобида)

Шаҳар ва туманлар	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	нисбатан 2019 йилда
Тошкент вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	100	
<b>шаҳарлар:</b>																				
Нурафшон	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1,9	1,7	1,9	-
Олмалиқ	20,8	21,6	27,3	27,8	29,0	36,0	45,5	36,2	25,2	26,7	27,1	27,6	27,6	24,23	22,9	21,9	27,8	29,4	35,4	14,6
Ангрен	14,3	13,9	9,9	9,3	7,3	6,09	5,7	5,7	7,6	6,9	6,9	8,0	8,0	8,5	3,7	10,5	7,8	5,9	6	-8,3
Оҳангарон	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	4,0	3,9	2,4	-
Бекобод	8,4	9,2	10,0	11,3	13,9	13,1	11,7	13,8	18,0	15,2	13,9	14,4	14,6	12,3	11,6	9,8	8,4	17,3	11,2	2,8
Чирчиқ	9,4	9,0	8,9	9,5	12,9	13,6	9,9	10,7	13,2	12,3	11,3	9,9	9,7	8,9	8,4	7,1	8,6	8,5	8,6	-0,8
Янгийўл	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1,7	1,4	1,5	-
<b>Туманлар:</b>																				
Оққўрғон	0,9	1,0	1,0	0,8	1,0	0,9	0,7	0,6	0,7	0,8	0,7	0,6	0,6	0,6	0,6	0,7	0,8	0,6	1,4	0,5
Оҳангарон	6,6	6,6	6,4	5,3	4,7	5,6	5,1	6,6	5,9	5,4	4,3	4,2	4,0	6,9	7,5	9,1	0,6	0,4	0,3	-6,3
Бекобод	0,9	1,2	1,1	1,0	0,8	0,7	0,7	0,6	0,8	0,9	0,9	0,8	0,8	0,8	0,7	0,9	0,8	0,5	0,5	-0,4
Бўстонлиқ	4,6	4,5	3,4	3,1	3,3	2,8	2,1	2,5	3,1	3,7	3,8	4,0	3,6	2,2	2,1	1,9	4,0	4,3	4,3	-0,3
Бўка	0,6	0,5	0,8	0,9	0,8	0,8	0,6	0,6	0,8	0,8	0,7	0,7	0,7	0,6	0,6	0,8	0,7	0,5	0,4	-0,2
Зангиота	6,0	4,0	5,4	5,0	3,0	3,9	3,6	4,6	5,7	7,3	7,5	7,8	9,0	13,5	14,1	11,8	9,6	8,3	6,2	0,2
Қибрай	8,7	7,9	5,9	6,8	6,7	5,7	5,2	5,7	7,6	7,7	8,5	6,2	7,5	5,98	6,2	12,9	8,5	5,8	6,7	-2,0
Қуйичирчиқ	0,7	0,7	0,8	0,8	0,8	0,7	0,7	0,7	0,8	0,9	0,9	0,9	0,8	0,7	0,7	0,7	0,7	0,5	0,5	-0,2
Паркент	0,4	0,6	0,6	0,5	0,4	0,3	0,2	0,2	0,2	0,6	0,8	1,1	0,9	1,1	1,0	1,1	0,9	0,7	0,8	0,4
Пискент	0,7	1,0	1,0	0,7	0,6	0,6	0,5	0,6	0,5	0,7	0,6	0,5	0,6	0,5	0,6	0,6	0,9	0,7	0,7	=
Ўرғачирчиқ	7,4	8,2	9,0	9,2	7,8	3,1	2,2	4,6	4,3	3,6	5,2	1,9	1,9	1,6	1,7	1,5	1,4	0,8	0,8	-6,6
Чиноз	0,6	1,1	1,6	1,6	1,4	1,0	1,1	0,9	0,1	1,0	1,1	1,2	1,2	1,2	1,1	1,2	1,3	1,0	0,9	+0,3
Юқоричирчиқ	0,7	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,8	0,9	0,9	1,1	1,2	1,5	1,5	1,5	2,0	2,7	2,9	2,2	2,0	+1,3
Тошкент	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	0,4	3,2	3,8	-
Янгийўл	8,2	8,1	6,1	5,4	4,9	4,5	3,6	4,3	4,4	4,6	4,9	4,1	3,4	4,1	4,6	4,9	2,8	2,4		-5,8

## ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ

Вилоят 15 та туман ҳамда 7 та шаҳардан иборатдир. Ушбу вилоят туманлари ўзининг саноат салоҳиятини ривожланганлиги нуқтаи назаридан республиканинг бошқа вилоятига қарашли туманларидан юқори ҳисобланади. Вилоятда жами 8666 та саноат корхоналари мавжуддир [27, с.1]. Ушбу корхоналар вилоят миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган шаҳар ва туманларда жойлашгандир (Олмалиқ, Бекобод, Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота ва Қибрай туманлари).

Минтақадаги ҳудудларнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси турлилиги вилоятда саноат ишлаб чиқаришини нотекис тақсимланганини кўрсатади. Вилоятнинг тўрттагина шаҳри бутун ҳудуднинг 61,2% саноат маҳсулотларини (Олмалиқ, Ангрен Бекобод ва Чирчиқ шаҳарлари) ишлаб чиқаради. Ушбу шаҳарларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариши ҳатто 2 %ни ҳам ташкил этмайди. Саноат ишлаб чиқаришда кам ҳиссани ташкил этувчи ту-

манлар эса (Оҳангарон, Бўка, Бекобод, Қуйи-чирчиқ, Оққўрғон, Паркент, Пискент) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг салкам ярмини (43,3%) беради. Ҳудудларнинг йиллар давомида минтақа саноати ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси деярли ўзгармаган.

Бу эса вилоят туманларининг маълум бир қисми саноатга, бошқалари эса қишлоқ хўжалигига ихтисослашганини кўрсатади. Минтақа туманларининг саноат ишлаб чиқариши ҳиссасида ушбу фарқи меҳнат ресурслари, табиий хом ашё, молиявий имкониятларининг вилоят бўйлаб турли ҳил тақсимланганлиги билан изоҳланади.

Вилоят кўп тармоқли ва металлургия саноатига йўналтирилган саноат тармоғига эгадир. Юқори технологик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда устунлик имконини берувчи машинақурилиш тармоғи ҳиссаси ҳам катта эмас. Бу билан вилоят саноати хом ашёга ихтисослашган ҳудуд эканлигини кўриш мумкин.

### 2 - жадвал

#### Ривожланган мамлакатлар, Ўзбекистон ва Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқаришининг технологик тузилмаси

Қайта ишлаб чиқариш	Ривожланган мамлакатларда ҳиссаси [28, с.39]	Ўзбекистонда ҳиссаси [29, с. 68]	Тошкент вилоятида ҳиссаси [30, с.114]
Юқори технологик ишлаб чиқариш	19	1,6	0,6
Ўрта юқори технологик ишлаб чиқариш	28	29,7	16,1
Ўрта паст технологик ишлаб чиқариш	21	29,8	62,7
Паст технологик ишлаб чиқариш	32	38,9	20,6

Бу эса хом ашё тармоғи улушини камайиш ва машинақурилиш, ахборот технологиялар ва юқори технологик саноат тармоғи маҳсулотларини кўпайиши билан характерланувчи глобал иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияларига зид келади. Юқори технологик ишлаб чиқаришни, шунингдек, чуқур технологик қайта ишлаб чиқариш тармоқларини самарали ривожлантиришнинг энг муҳим таркибий қисми замонавий ишлаб чиқариш ускуналарнинг мавжудлиги ҳисобланади. Вилоятда саноат корхоналари воситаларининг эскириши ўртача юқори даражада қолмоқда. Бундай фойдаланилган ускуналарда илм талаб ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти йўқдир. Шунингдек, 2020 йилнинг январ-июнь ойларида вилоят саноати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бор йўғи 1,8%га ўсди [31, с.2]. Пандемия иқтисодиётда айнан инновацион фаоллик етакчи корхоналарнинг зарур таркибий қисмига айланиши зарур ҳисобланади. Вилоятда корхоналарнинг инновацион фаоллиги эса жуда паст ҳисобланади. Буни минта-

қанинг инновацион фаоллик ҳолатига берилган баҳода ҳам кўриш мумкин.

Қуйидаги 3-жадвал кўрсаткичлари минтақанинг инновацион фаоллилик нуқтаи назаридан паст кўрсаткичга эгаллигини кўрсатади. Бу эса минтақа саноатини инновацион ривожланиш шаклларини ташкил этиш имкониятини пасайтиради. Пандемия шароитида “Ҳудуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш” [33, с.1] га алоҳида эътибор қаратилаётган даврда инновацион ва юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ошириш муҳим аҳамият касб этади. Вилоятнинг бой табиий ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳияти бу йўналишда саноат тармоғини тез суръатларда ривожлантириш имконини беради. ЎЗР Президентининг яқинда қабул қилинган “Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш хажмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги [34, с.2]” қарори пандемия шароитида вилоят ҳудудларидаги саноат корхоналарини замонавий ускуна ва технологияларни қўллаган ҳолда қуриш имконини беради.

## Минтақада инновацион фаолиятга баҳо бериш индикаторлар чегараси

№	Индикаторнинг номланиши	Методик аниқлик	Чегара [32, с. 102]	Вилоят	Республика
				кўрсаткичи	кўрсаткичи
				2018 йил	
1	Минтақанинг sanoat корхоналари-ни асосий воситаларини эскириш даражаси, %	Ишлаб чиқариш соҳасини хавфсизлик даражасини белгилайди	<40	35,4	38,3
2	Ҳар 10000та аҳолига нисбатан ўрта махсус ва олий таълим муассасалари талабалари миқдори	Минтақанинг маълумотлилик салоҳият даражасини ифодалайди	>600	333	302
3	Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига корхоналарнинг ўз маблағларини йўналтирилиши, ЯҲМга нисбатан %да	Инновацион фаолиятнинг бошланғич босқичини акс эттиради	>2,2	0,14	0,17
4	Кашфиётлар фаоллиги коофициенти, дон	Ҳар 10000 киши аҳолига нисбатан кашфиёт патентларига берилган аризалар сони	>500	0,138	0,086
5	Ташкилотларнинг инновацион фаоллиги, %	Барча турдаги инновацияларни амалга оширувчи корхоналарнинг ҳиссаси	>25	1,2	0,92
6	Технологик инновацияга қилинган харажатларнинг интенсивлиги, %	Технологик инновацияни қилинган харажатларни ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбати	>2	2,75	0,86
7	Саноатда инновацион маҳсулотлар ҳиссаси	Инновацион фаолиятнинг натижавийлигини кўрсатувчи асосий кўрсаткич	>10	4,93	8,77
8	Технологик инновацияларни амалга оширувчи кичик корхоналарнинг ҳиссаси, %	Кичик бизнесни инновацион фаоллигини кўрсатади	>10	0,33	0,33
9	Технологик инновация таркибда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларга харажатлар ҳиссаси	Технологик инновациядаги инвестициялар сифатини кўрсатади	>40	10,8	7,4
10	ИТТКИларига қилинган харажатларнинг ЯИМ га нисбати	Илм фан ривожланишга эътибор даражасини кўрсатади	=3	0,14	0,16

**Натижалар.** Агар минтақа асосан саноат ва қишлоқ хўжалигидан иборат бўлса, узоқ муддатли истиқболда қишлоқ хўжалиги тармоғининг номутаносиблиги (норақобатбардош) ёки саноат тармоғидаги етарли даражада бўлмаган рақобат ишлаб чиқарилаётган саноат товарларининг тузилмавий ўзгармаслигига ёки меҳнат миграцияси кўринишида меҳнат ресурсларини фаоллигига олиб келади. Бундай жараёнларнинг ривожланиши алоҳида ҳудудларнинг инсон капитали сифатини янада пасайишига олиб келиши кузатилади. Муайян ҳудудларда эса ишлаб чиқариш қувватининг концентрацияси, уларнинг ҳажми ва ижобий ташқи таъсирлар ушбу ҳудудларга устунлик имкониятини бермоқда. Узоқ муддатли истиқболда фақатгина баъзи туман ва шаҳарларни ривожланиши туман ва шаҳарларни иқтисодий ижтимоий ҳолати ўртасида мутаносибликни кучайишига, шаҳар ҳудудларида ёлғон урбанизациянинг шаклланишига олиб келади. Маҳаллий агломерация нуқталари бўлмиш Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ каби саноат марказлари

амалда атрофидаги туманларга синергетик самара бермаяпти. Бошқа туманларни, аввало, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманларни орқада қолиши ҳисобига фақатгина бир қанча агломерацияларни ривожланиши ижтимоий таранг ҳудудларни юзага келишига сабаб бўлади. Вилоят ривожланган қазиб олувчи ва қайта ишловчи саноат тармоқларига эгадир. Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ ва Охангарон каби каби саноат марказларидагина асосий саноат қувватларини жойлаштирилиши юқори дифференцияни юзага келтиради. Қишлоқ жойлари иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчилик қилмоқда. Тошкент вилоятини бой кўмир конига эгаллиги ҳамда жаҳон бозорида кимё ва нефт кимё саноати маҳсулотларига талабнинг ошиши ёқилғи энергетика саноати мажмуасига товар турлари ва экспортни кенгайтириш имконини берди. Аммо жаҳон бозорида хом ашё ресурслари рақобатбардошлиги ва нархнинг тебраниши шароитида, саноат тармоқларини диверсификациялашмаганлиги вилоят иқтисодиётини жиддий ҳолатларга

олиб келиши мумкин. Шу сабабли вилоятда хом ашё сегментини кенгайтириш билан бир қаторда ҳом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича жиддий чоралар кўриш, бу билан саноатнинг иккиламчи технологик тармоғини ривожлантириш имкониятини яратиш лозим. Пахта толасини чуқур қайта ишлаш эса, бир томондан, вилоятни енгил саноатда ривожланишига, иккинчи томондан эса янги технологияларни тадбиқ этган ҳолда маҳсулотларни экспорт қилиш имконини бермоқда. Озиқ овқат саноатида консерва ва сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш кенгроқ ўринга эга бўлмоқда.

Демак, вилоятда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожланишини қуйидаги тенденциялар бўйича характерлаш мумкин.

1. Инновацион фаолиятнинг етарли даражада молиялаштирилмаслиги. Минтақадаги саноат корхоналарини ресурс имконияти чекланганлиги инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг жиддий омилларидан бири сифатида иштирок этмоқда. Инновацион харажатларни умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан ҳиссаси жуда паст кўрсаткични ташкил этмоқда. Молиялаштиришни етарли даражада эмаслиги инновацияни сифати пасайишига таъсир кўрсатади. Мунтазам равишда инновацион фаолиятни амалга ошириш имкониятини таъминламайди. Бу эса ишлаб чиқариш циклини тўлиқ қамраб олган илмий тадқиқот ишларига ихтисослашувдан то ишлаб чиқариш технологиясига тайёргарлик ҳамда янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришгача бўлган даврни қамраб олган радикал инновацияларни тадбиқ этиш имкониятини йўққа чиқаради. Шу сабабли ҳам инновацион фаолиятни амалга оширувчи корхоналар кам миқдорни ташкил этади. Агар 2018 йилда инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарган жами ташкилотлар сони 373 та [35, с.206] ни ташкил этган. Вилоятда жами корхоналар сони 35385 та бўлиб, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртача 1%ни ташкил этмоқда. Паст инновацион фаоллигини сабаблари қуйидагилардир:

- молиявий ресурсларни етишмаслиги;
- инновацияларнинг ўз-ўзини қоплаш муддатларини узоқлиги;
- юқори даражадаги риск;
- малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- инновацион инфраструктуранинг ривожланмаганлиги;

-инновацион салоҳиятни етарли эмаслиги.

2. Инновацион жараёнларнинг кучайишида кичик корхоналарнинг аҳамиятини ошириш. Улар одатда фаоллик, янги ўзгаришларга тез мослашувчанлик, диверсификациянинг чуқурлашуви шароитида ҳамда ишлаб чиқаришнинг индивидуаллашувида кам серияли инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва ўзлаштиришда кўпроқ самарани таъминлаши мумкин. Аммо минтақада кичик корхоналар инновацион фаолликни ошишига жуда катта таъсир кўрсатишининг имконияти мавжуд эмас. Вилоятда ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 89%ни кичик корхоналар ташкил этади. Аммо 11 %ни ташкил этувчи йирик корхоналар томонидан инновацион маҳсулотларнинг 51%и ишлаб чиқарилмоқда [36, с.300]. Амалиёт кўрсатишича, кичик миқдордаги инновацияга ҳам давлат ёки йирик корхоналардан молиявий, интеллектуал ҳамда ахборот томондан қўллаб қувватлов олган корхоналаргина амалга оширомоқда. Одатда, йирик корхоналар ўзларининг бошланғич босқичдаги таҳлилий жараёнларини кичик корхоналарда амалга оширомоқда.

3. Инновацияларни паст натижавийлиги. Агар илм фан ва саноат ўртасида алоқа бўлмас экан, юқори технологик тармоқларни ривожлантириш ҳамда илм талаб маҳсулотларнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаш имконсиздир. Шу сабабли саноатнинг база тармоқларини инновацион стратегик ривожлантириш асосида рақобатбардош ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ижобий муҳитни шакллантириш зарур. Шу сабабли давлатнинг инновацион жараёнларни фаоллаштириш жараёни модернизация ва диверсификация асосида саноатда тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатда рақобатбардошликни оширишда олдинга қўйилган мақсадларга эришишда аҳамияти каттадир.

**Муҳокама.** Минтақа саноатини ривожлантириш хусусиятларини ўрганиш жараёнида минтақани фақатгина унинг туман ва шаҳарлари нуқтаи назаридан эмас, балки минтақадаги саноат тармоғи таркибини ҳам таҳлил қилиш ва бу йўналишда қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Бу соҳада биринчи йўналиш инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан фаол равишда қўллаб қувватланишидир. Албатта, бу инвестор корхоналарнинг фойда солиғини камайтириш билан изоҳланади. Инвестицион

лойиҳаларни амалга оширишда юзага келадиган мураккаб жараёнлар даврида, айниқса, пандемия шароитида ташкилий қўллаб қувватлашни таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Анъанавий инвестиция лойиҳаларидан фарқли равишда, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ кредит хавфи анча юқори бўлади. Агар хусусий сектор инновацион хатарларни ҳаддан ташқари деб ҳисобласа, ҳукумат бу хатарларни қабул қилиши ва янги инновацион лойиҳаларга сармоя киритиши керак. Молиялаштиришнинг асосийлари манбалари бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, корхоналарнинг ўз маблағлари, ссудалар, инновацион инвестициялар, махсус фондлар, инновацион хорижий кредитлар, грантлар, суғурта фондлари (тўғридан-тўғри манбалар), солиқ имтиёзлари ва чегирмалар, кредит имтиёзлари, ускуналарни ижарага бериш, божхона имтиёзлари, амортизация чегирма бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда инновацион молиялаштиришнинг энг истиқболли шаклларида бири венчур молиялаштириш ҳисобланади. Ушбу соҳада тижорат банклари, суғурта компаниялари ва бошқаларни жалб қилган ҳолда венчур молиялаштириш тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиш орқали хусусий сектор ва ушбу соҳадаги трансмиллий компанияларнинг маблағларини жалб қилиш керак.

Иккинчи йўналиш сифатида илмий тадқиқот мажмуаси, инновацион фаолияти ва корхоналарни ривожланишини таъминлаш бўлиб, бунинг учун вилоятда барча шароитлар мавжуд ҳисобланади. Вилоят халқаро иқтисодий муносабатларнинг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Асосий вазифа бўлиб, вилоятдаги корхоналарни халқаро кооперация жараёнига жалб этиш, энг яхши амалиётларни жадал алмашинувини рағбатлантиришдир. Истеъмолчиларни мамлакат ва маҳалла бозорларига кириб бориши бир қатор устувор тармоқларни ривожлантириш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Узоқ муддатли ўсишнинг инновацион омилларини кучайтиришнинг устувор чоралари тизимли бўлиши ва бутун иқтисодиёт учун мултипликатив таъсир кўрсатадиган учта асосий йўналишларни қамраб олиши керак, яъни: давлат институтларининг сифатини ошириш ва инновацион ривожланиш учун зарур инфратузилмани яратиш, инсон капитали сифатини ошириш, инновацион лойиҳаларни молиялашти-

ришни такомиллаштириш ва илмий-тадқиқот секторини ривожлантириш.

Учинчи йўналиш бўлиб, инновацион сиёсатни амалга ошириш бўйича шароит яратишдир. Бу ерда асосий вазифа инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун ресурсларни жалб қилиш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини ривожлантиришдир. Бундан ташқари бизнес маданиятини яхшилаш, минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, ходимлар, инвестициялар ва ресурсларни жалб қилиш учун инновацион бизнеснинг обрў эътиборини ошириш зарурдир. Бинобарин, иқтисодий ўсишнинг инновацион моделига ўтиш чуқур таркибий ва сифат ўзгаришисиз, жумладан, ЯХМ таркибида саноат улушининг ва тармоқ таркибидаги янги юқори технологияли маҳсулотлар турларини қўпайтирмасдан амалга оширилмайди. Шундай қилиб, вилоятнинг ривожланиш моделида асосий эътибор маҳсулот хилма-хиллигига эмас, балки ИТТКИга инвестициялар ва технологиялар трансферини оширишга қаратилиши керак. Ушбу йўналишда олиб бориладиган сиёсат чораларига инновацион лойиҳаларни давлат томонидан молиялаштириш, илмий-тадқиқот лойиҳалари учун солиқ кредитлари бериш, ИТТКИ соҳасида ҳамкорлик шаклида технологиялар трансфери ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, қўшма тадқиқотлар, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик ва тадқиқотчиларни жалб қилиш, шунингдек, тартибга солувчи қўллаб-қувватлашлар, шунингдек, интеллектуал мулкни ислоҳ қилиш ва стандартларни белгилашлар киреди.

Тўртинчи йўналиш бўлиб, инновацион ишлаб чиқариш саноат кластерларини яратиш учун шарт-шароитлар яратиш: Стратегик муҳим соҳаларда мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ва янги корхоналарни ташкил этиш; Саноат маҳсулотлари корхоналарига ҳудудий буюртмаларни шакллантириш; Юқори технологияли лойиҳаларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш; ҳудудий инвестицион дастурларига киритиш, мақсадли молиялаштириш маблағларини ажратиш; Маҳаллий ва хорижий бозорларга кластер маҳсулотларини чиқариш учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш; Ҳудуднинг транспорт инфраструктурасини ривожлантириш.

Ушбу йўналишларда тадбирларни амалга оширилиши мавжуд саноат тузилмасини оптималлаштириш, минтақанинг технологик салоҳиятини ривожлантириш, минта-



қада юқоритехнологик рақобатбардош дернизация қилиш минтақа иқтисодиётини саноат мажмуасини шакллантиришга ёрдам рақобатбардошлигини ва аҳолининг ҳаёт сифатини оширади. Пировардида, саноат мажмуасини мо-

### Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. <https://uza.uz/uz/politics/i-tisodiyet-bar-arorligini-taminlash-b-yicha-asosiy-v-nalish-09-06-2020>
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 3.2 банди /www.lex.uz
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси <https://president.uz/uz/lists/view/3324>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Тошкент, “Молия” нашриёти, 2002 йил. - б.-18.
6. Ксенофонт. Домострой // Воспоминания о Сократе. М.: Наука, 1993.
7. Блауг М. Экономическая теория в ретроспективе. М.: Дело, 1994. Гл. 2-6.
8. Ман Т. Богатство Англии во внешней торговле//Меркантилизм. Под ред. И.С.Плотникова. Л.:ОГИЗ-СОЦЭКГИЗ, 1935.-С.-161.
9. История экономических учений: Учеб. пособие/Под ред. В. Автономова, О. Ананьина, Н. Макашевой. - М.: ИНФРА-М,2006. - с. -49.
10. Кенз Ф. Избранные экономические произведения. М.: Соцэкгиз,1960.
11. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: Соцэкгиз, 1962. с. 332.
12. Ёўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менеджмент-Т.: ТДИУ. Дарслик 2011. 286 бет.
13. Махмудов Э.Х., Ортиқов А., Каримов Ф. Корхона иқтисодиётнинг асосий бўғини./Ҳамкор. 2010 йил 7 февраль
14. Элбеков Ў.Н., Ишбетаев Х.М., Исломова Р.А. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш механизми. Кончилик хабарномаси илмий-техник ва ишлаб чиқариш журнали №16. 2004 йил. 113 бет. 71-бет
15. Содиков А.М. Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари. Тошкент-2006 йил. <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/30517>
16. Қодиров А.М., Ғуломова Г.П., Аҳмедиева А.Т., Алимова Н.Р. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш. Монография.-Т.: “Iqtisodiyot”, 2013.-436 б. 9 б.
17. Маҳкамова М.А. Формирование организационно-экономического механизма управления инновационной деятельностью на промышленных предприятиях республики Узбекистан. Ташкент 2004. <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/27238>
18. Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси//Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. №1, сентябр 2011.
19. Гофуров У. Инновацион ғояларни амалиётга жорий этишда кичик бизнес иштирокини фаоллаштириш//Иқтисодиёт ва молия, №2, 2012, 17-23 бетлар
20. Умаров И., Саидкаримова С., Облоқулова Ш. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили/Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар илмий электрон журнали. №4, июль-август 2016 й.
21. Шакирова Ф.Б. Инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсиш механизмини такомиллаштириш. Тошкент 2018. <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/43264>
22. Гаубназарова З. Инновацион инвестициялаштириш самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари. Тошкент 2012. <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/38701>
23. Хасанова Г. Саноат корхоналари инновация фаолияти самарадорлигини ошириш. Тошкент 2006й. <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/30311>
24. Назарова Р. Управление внешнеэкономической деятельностью в Узбекистане на основе инновационного развития в условиях глобализации. Тошкент 2011 й. <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/38654>
25. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалқ 1-го Форума экономистов/отв.ред. М.П.Нарзикулов. Ташкент. 2012. С. 8.
26. Ортиқов А. Саноат иқтисоди. Дарслик. Тошкент. ТДИУ, 2009. Б 236.
27. 2019 йил январ-декабр, <http://toshvilstat.uz/index.php/uz/aloqa/2-uncategorised/4104-sanoat-ishlab-chiqarish/>
28. Источник: Акаев, А. А. Исследование сценариев развития России в условиях мирового кризиса [Текст] / А. А. Акаев, В. А. Садовничий // Век глобализации. – № 2 (4). – 2009. – С. 39–48.
29. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь. ЎзРДСҚ. Тошкент 2019 йил. 333 бет. 68 бет.
30. Тошкент вилоятининг статистик ахборотномаси. Тошкент вилояти статистик бошқармаси. 2018 йил январь-декабрь. Тошкент-2019. 114 бет. Маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб китоби
31. [http://www.toshvil.uz/uz/pages/2020\\_yilning\\_statistics\\_isobutene/2020\\_yil\\_aprel\\_iyun\\_oylarida\\_yalpi\\_ududiy\\_ma\\_sulot\\_k\\_rsatkichlari/](http://www.toshvil.uz/uz/pages/2020_yilning_statistics_isobutene/2020_yil_aprel_iyun_oylarida_yalpi_ududiy_ma_sulot_k_rsatkichlari/)
32. Митяков С.Н. и другие. Инновационное развитие регионов России: методика рейтингования. Журнал инновация. №9 (227) 2017. Стр. 97-104. 102-стр.
33. <https://lex.uz/docs/4770761>
34. <https://www.lex.uz/docs/4812407?query=%D0%A2%D0%BE%D1%88%D0%BA%D0%B5%D0%BD%D1%82%20%D0%B2%D0%B8%D0%BB%D0%BE%D1%8F%D1%82%D0%B8>
35. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавийсалоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари”статистик бюллетени. Давлат статистика қўмитаси, Таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувлар бўлими. № 15-12. 25.05.2018. 339 б, 206 бет
36. 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавийсалоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари”статистик бюллетени. Давлат статистика қўмитаси, Таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва инновация соҳаларида статистик кузатувлар бўлими. № 15-12. 25.05.2018. 339 б, 300-360 бетлар асосида муаллиф ҳисоб китоби